

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2017
август

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Г.АКРАМОВА	
Номинатив бирликлар функцияларини ўрганиш ва уларни ўқув жараёнида қўллаш	70
Ш.ЮСУПОВА	
Инглиз ва ўзбек тилларида зоонимлар иштирок этган фразеологизмларни таржима қилиш хусусида	73
Ғ.ХОШИМОВ, А.ЗИЯЕВ	
“Интенсификация/деинтенсификация” концептуал семантикаси вербализатор- ларининг когнитив типологияси.....	75
Н.АЛИЕВА	
Инглиз ва рус тилларида кичрайтириш маъносидаги фразеологик бирикмаларнинг тиллароро корреспонденцияси	82
Қ.КАХАРОВ	
Ўзбек ва немис халқлари мулоқотида паралингвистик воситаларнинг қўлланилиши	85

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

М.АДҲАМОВ, М.ЖАЛИЛОВ	
Бошлангич синф ўқувчиларида иқтисодий маданият элементларини шакллантириш	88
З.БОБОЕВА, С.ИУЛДАШЕВА	
Тасвирий санъатга оид энг қадимги маконлар	91
Р.ДЖАЛИЛОВА	
Буюк тасвирий санъати усталари ижодининг узлуксиз таълимдаги ўрни	94

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Н.МИРЗАКАРИМОВА	
Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика фанини ўқитишнинг баъзи хусусиятлари	96
Ш.ЯКУБОВА, Н.НОСИРОВ, З.ОЛИМОВА, Ф.БИЛОЛОВА	
Ўрта маҳсус ўқув юртларида физикадан ўқув тажрибаларининг кўринишлари ва уларнинг вазифаларини ўрганиш	98
М.РАСУЛОВА, Ф.РАСУЛОВ, У.БОЛТАБОЕВ	
Қон ва сийдик таркибидаги сийдик кислотасининг миқдорига гиперурикемиядаги боғлиқлигини тажрибада ўрганиш	100
Д.ҚОДИРОВА, С.ТЎХТАЕВ	
Кальций хлорат - фосфат учэтаноламмоний – сув системасининг эрувчанлик диаграммаси	102
Н.ЖУРАҚЎЗИЕВ	
“Хуастуанифт”да самовий культ функциялари ҳамда осмон билан боғлиқ тушунчалар	105
Д.ТЕШАБОЕВ	
“Маснавий ҳикматлари” асарида қўлланган ҳавола бўлакли қўшма гапларнинг шаклий тузилиши	107
З.АКБАРОВА	
Тил ва унинг функциялари ҳақида	109
З.САЛАХИДИНОВА	
И.С.Тургенев прозасида фразеологик бирикмаларнинг функционал вазифаси	111
Н.ҚАРШИЕВ	
Қорақўл териларининг тур ва навларини англатувчи атамалар	113
Н.АББАСОВА, М.ХОДЖАЕВА	
Ўқувчиларда хорижий тил савияси ҳосил бўлишида ролли ўйинлардан самарали фойдаланиш	115
Б. СОТВОЛДИЕВ	
Инглиз ва ўзбек тилларида лексик жаргон ва арголарнинг лингвистик моҳияти	116
Г.ИУЛДАШЕВА	
Информатика фанининг бошқа фанлар билан интеграция алоқалари	118
Д.НУРАЛИЕВА	
Оиласа психологик хизмат кўрсатиш орқали шахснинг ижтимоий ўрнини белгилаш	121

ХОТИРА

Наримон Нурматович ҚОРИЕВ]	124
-----------------------------------	-----

ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

Библиография	125
--------------------	-----

“МАСНАВИЙ ҲИКМАТЛАРИ” АСАРИДА ҚҮЛЛАНГАН ҲАВОЛА БҮЛАКЛИ ҚҰШМА ГАПЛАРНИНГ ШАКЛИЙ ТУЗИЛИШИ

Д.Тешабоев

Аннотация

Ушбу мақолада Жалолиддин Румийнинг “Маснавий ҳикматлари” асарида қүлланған ҳавола бүлакли құшма гапларнинг шаклий тузилиши, шунингдек, құшма гапларни шакллантируучи воситалар ва уларнинг семантикасы ҳақида фикр юритилген.

Аннотация

В статье описывается использование в произведении Джалаляддина Руми “Поэма о скрытом смысле” сложных предложений с местоименно-определительным придаточным, а также рассматриваются их типы, средства составления сложных предложений и их семантика.

Annotation

The article describes the use in the work of Jalaladdin Rumi “Poem about the hidden sense” of complex sentences with pronominal-determining clauses, as their types, means of compounding sentences and their semantics.

Тәяңч сүз ва иборалар: құшма ғап, ҳавола бүлаклар, әргашған құшма ғап, марказий бүлак, нисбий сүзлар, келишик шакли

Ключевые слова и выражения: сложное предложение, местоименно-определительные придаточные, относительные местоимения, сложноподчиненное предложение с придаточным местоименно-определительным, падежная форма.

Key words and expressions: Complex sentence, pronominal-attributive adjectives, relative pronouns, compound sentence with pronominal-definitive, case form.

Құшма ғап мавзуси күп йиллардан бери ўзбек тилшүносларининг диққатини ўзига жалб этиб келаётган муаммолардан бири ҳисобланади. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бу мавзу тилшүносликнинг кенг ўрганилган соҳаларидан биридир, лекин ҳалигача бу мавзуга оид муаммолар тўлиқ ҳал этилган деб бўлмайди.

Құшма ғап фикр ифодаси жиҳатидан синтактик шаклнинг энг юқори ва мураккаб кўринишларидан биридир.

Ҳавола бүлакларнинг (нисбий сүзлар) әргашған құшма ғап қисмларини бириктиришдаги роли “Ўзбек тили грамматикаси”да алоҳида ёритиб ўтилган. Унда ҳавола бүлаклар (нисбий сүзлар)нинг ўзига хос ҳусусиятлари, улар қатнашған әргаш гапли құшма гапларнинг структураси, ҳавола бүлакларнинг характеристери ва синтактик вазифалари, улар билан құшма гапнинг кейинги қисмida келувчи кўрсатиш олмошларининг мослашиш ёки мослашмаслиги, ҳавола бүлаклар ифодалайдиган тушунчалар каби масалалар ҳақида батафсил маълумотлар берилган [1.243].

Мазкур мақоламиизда Жалолиддин Румийнинг “Маснавий ҳикматлари” асарида [2] қүлланған ҳавола бүлакли құшма гапларни турли шаклий ва мазмуний гурухларга ажратиб, уларнинг умумий ва ҳусусий томонларини таҳлил қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб олдик.

“Маснавий ҳикматлари” асарида қүлланған ҳавола бүлакли

құшма гаплардаги әргаш гапнинг кесими турли сүз туркумлари билан ифодаланиши мумкин.

• содда от-кесим билан ифодаланған әргаш ғапли құшма ғап;

Деди Пайғамбар: эваз имкони йўқ, Кимда сабр ўйқ, демак иймони йўқ.

• мураккаб от-кесим билан ифодаланған әргаш ғапли құшма ғап;

Ишқ ила кимнинг яқоси чок эрур, Хирсдин озоду айбдин пок эрур.

Асарда ҳавола бүлакли құшма гаплардаги от-кесимнинг уюшган ҳолда келганлигини ҳам учратиш мумкин.

Кимки танбал, ношукур, бесабр эмиш, Ул шуни билсинки, жойи жабр эмиш.

• содда феъл-кесим билан ифодаланған әргаш ғапли құшма ғап;

а) содда туб феъл билан:

Кимки, Оллоҳим, демишдир ҳар куни, Оқибат, бандам дегай Оллоҳ уни;

б) содда ясама феъл билан:

Кимсаким шамъи Худони пуфлагай, Баски билдинг, амрига этгил амал.

• Мураккаб феъл-кесим билан ифодаланған әргаш ғапли құшма ғап:

Кимки ёмон бир дўстгаким сабр айлагай, Сабр ила кўнглин мунаварр айлагай.

Ушбу асардаги айрим ҳавола бүлакли құшма гапларда гапнинг марказий бўлаги ҳисобланған кесимни ўзгарған тартибда қўлланған ўринларини ҳам кузатишмиз мумкин:

Д.Тешабоев – ФардУ бошланғич таълим услубиёти кафедраси ўқитувчиси.

Кимки узмас эрса Оллоҳдан **назар**, Унга бўлгай нури Оллоҳдин асар.

Ҳавола бўлакли қўшма гапларни шаклий ва мазмуний тузилишига кўра бир неча турга ажратиш мумкин. Шаклига кўра турларга ажратишга асосий эътибор ҳавола бўлакларнинг грамматик шаклига қаратилади. Маълумки, айrim қўшма гапларда нисбий сўз бирор келишикда келади ва шунга кўра муайян синтактик вазифани бажаради.

Ҳавола бўлакли қўшма гаплар шаклида бош ва эргаш гап таркибидаги ҳавола бўлаклар ўзаро мослашиши ёки мослашмай қолиши ҳам кузатилади.

“Маснавий ҳикматлари”да қўлланган ҳавола бўлакли қўшма гаплардаги дейксик бирликлар, яъни ҳавола бўлаклар турли келишик шаклида қўлланган.

• **бош келишик шаклидаги ҳавола бўлакли қўшма гаплар:**

Ким этар хуснин зиёда ошкор, Бўлгай ул юз минг фалокатга дучор;

• **бош ва қаратқич келишик шаклидаги ҳавола бўлакли қўшма гаплар:**

Кимки тарк айлар эса майлу ҳаво, Унинг кўзлари сирлага бўлгай ошно;

• **бош ва тушум келишик шаклидаги ҳавола бўлакли қўшма гаплар:**

Кимки ошиқдир, уни маъшуқа бил, Ким севилгайдирки, бас, севгайдир ул;

• **бош ва жўналиш келишик шаклидаги ҳавола бўлакли қўшма гаплар:**

Ким ҳалол эрса, ҳалолдин ризқ анга, Ёрни сев, ранжитса, ранж етгай сенга.

• **бош ва ўрин-пайт келишик шаклидаги ҳавола бўлакли қўшма гаплар:**

Эй рафиқ, бил эмди ҳикмат шул турур: Кимда дард эрса, ўшал огоҳ эрур;

• **тушум келишик шаклидаги ҳавола бўлакли қўшма гаплар:**

Гар бошингга тушса бир тухмат иши, Билки, кимнингдир дуюйи қарғиши.

• **ўрин-пайт ва қаратқич келишик шаклидаги ҳавола бўлакли қўшма гаплар.**

Деди Пайғамбар: эваз имкони йўқ, Кимда сабр йўқдир, демак иймони йўқ.

Асарда турли келишик шаклидаги ҳавола бўлаклардан бирининг тушуб қолган ўриниларини ҳам учратиш мумкин. Белгисиз

қўлланган ҳавола бўлакларнинг ўрни нутқ жараёнида сезилиб туради.

• **бош келишик ҳавола бўлакнинг тушуб қолиши:**

Кимки бизга ранжу озор этгуси, (Ул)Танг эмас, дарду аламга етгуси;

• **қаратқич келишик ҳавола бўлакнинг тушуб қолиши:**

Кимки танбал, ношукур, бесабр эмиш, Ул шуни билсинки, (унинг) жойи жабр эмиш:

• **тушум келишик ҳавола бўлакнинг тушуб қолиши:**

Гар бошингга тушса бир тухмат иши, (Шуни) Билки, кимнингдир дуюйи қарғиши;

• **жўналиш келишик ҳавола бўлакнинг тушуб қолиши:**

Кимки бергай, эй Худойим, сийла, бас, Ҳар дирамга айлагил юз минг эваз.

Юқоридагилардан маълум бўладики, “Маснавий ҳикматлари” асарида қўлланган ҳавола бўлакли қўшма гапларни қўйидагича турхларга ажратишмиз мумкин:

1) бош келишик шаклидаги ҳавола бўлакли қўшма гаплар;

2) бош ва қаратқич келишик шаклидаги ҳавола бўлакли қўшма гаплар;

3) бош ва тушум келишик шаклидаги ҳавола бўлакли қўшма гаплар;

4) бош ва жўналиш келишик шаклидаги ҳавола бўлакли қўшма гаплар;

5) бош ва ўрин-пайт келишик шаклидаги ҳавола бўлакли қўшма гаплар;

6) тушум келишик шаклидаги ҳавола бўлакли қўшма гаплар;

7) ўрин-пайт ва қаратқич келишик шаклидаги ҳавола бўлакли қўшма гаплар.

Умуман, ҳавола бўлакли қўшма гаплар “ҳавола бўлакли қўшма гаплар” микромайдони доирасида, бутун тил системасида алоҳида ўрин тутади.

Жалолиддин Румийнинг “Маснавий ҳикматлари” асаридаги ҳавола бўлакли қўшма гапларни майдон назарияси асосида ўрганиш идеографик луғатлар тузишда ҳам муносиб аҳамият касб этади. Бу эса “Маснавий ҳикматлари” асаридаги мураккаб синтактик бирлик бўлган ҳавола бўлакли қўшма гапларни осон ўзлаштиришга, у ёки бу тушунчаларни ифодаловчи ҳавола бўлакларни топишга қулай восита вазифасини бажаради.

Адабиётлар:

1. Жалолиддин Румий. Маснавий ҳикматлари. – Т.: Наврӯз., 2016.
2. Маҳмудов Н. Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи., 1995.
3. Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси.– Жиззах, 2007.
4. Ўзбек тили грамматикаси. II том. –Т.: Фан 1976.

(Такризчи: М.Ҳакимов, филология фанлари доктори).